


Аналитическая информация по основной деятельности
Государственного комитета Республики Узбекистан по
автомобильным дорогам за 9 месяцев 2019 года (текст документа
приведен на государственном языке)

Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсатгичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й 9 ойлик амалда	2018 й 9 ойлик амалда	Ўтган йилинг шу даврига нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	2450,7	3700,4	151,0
	шу жумладан:				
1	Инвестиция дастури бўйича	млрд.сўм	534,9	901,8	168,6
		км	55,0	57,4	104,4
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	227,6	343,9	151,1
		км	78,5	80,5	102,5
3	Минтақавий йўлларни таъмирлаш	млрд.сўм	797,7	1388,7	174,1
		км	4586,4	6200,5	135,2
4	Умумий фойда ланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	890,5	1066,0	119,7
		км	2950,0	2200,0	74,6
5	Янги ишжойларини яратиш	киши	579	293	50,6
6	Қора металл ч иқиндилирини топшириш	тонна	12815,0	12865,0	100,4

Кўмита тизимидағикорхона ва ташкилотларда 2019 йилнинг 9 ой давомида Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобильйўларида 901,8 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбуқўрсаткич 2018 йилнинг худди шу даврига нисбатан 168,6 фоизниташкил этади.

Бундан ташқари тўлатаъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўларида 343,9 млрд. сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу қўрсаткич эса ўтганийилининг 9 ойликка нисбатан 151,1 фоизга ошган.


2018-2019 йилларнинг 9 ойлик якунларига кўра асосий фаолият кўрсатгичларининг тақослама диаграммаси



2019 йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича Республика миздаги 6200,5 км минтақавий автомобиль йўлларитаъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 345,0 км, Андижонда 581,4 км, Бухорода 459,4 км, Жиззахда 335,3 км,

Кашқадарёда 404,7 км, Навоийда 461,4 км, Наманганда 435,5км, Самарқандда 497,2 км, Сурхандарёда 490,5 км, Сирдарёда 379,5км, Тошкент вилоятида 382,1км, Фарғонада 597,5 км, Хоразмда 530,3 км ҳамдатошкент шаҳрида 300,7 км минтақавий автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлариолиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири хажми эса ўтган йилнинг тегишли давриганисбатан 135,2 фоизни ташкилэтади.

2019 йил 9 ойлик яқунига кўра минтақавий автомобиль йўлларини таъмирлаш (худудлар кесимидағи диаграмма)



2019йил 9 ой

давомида Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695 кмузунликдаги йўллардан 2200,0 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг холати яхшиланди. Буэса 2018 йилининг 9 ойликка қараганда 74,6 фоизни ташкилэтади.

Тизим корхонлари томонидан 2019 йил 9 ойлиқда 293 та янгииш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2018 йилининг мос равишдаги тегишлидаврига қараганда 50,6 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топшириш кўрсаткичи 2019 йил 9ойда 12865 тоннани ташкил этади. Бу –қарийб ўтган йилги даражада қолиб, камайишга йўл қўйилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Автомобиль йўллари қўмитасининг 2019 йил 9 ойликда – умумий бажарилганишлар хажми – 3700,4 млрд. сўмдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг 9 ойликка нисбатан 151,0 фоиз ни ташкил этганлигини кўрсатади.